O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI JIZZAX VILOYATI HOKIMI QARORI

2022 - yil 22 - iyul 368-3-0-Q/22 Jizzax viloyati hokimligi

Жиззах туманлараро маъмурий судининг 2021 йил 3 июнь кунги ҳал қилув қарорига асосан Фориш туман хокимининг 2021 йил 17 март кунги 676-сонли қарорини бекор қилиш тўғрисида

Жиззах туманлараро маъмурий судининг 2021 йил 3 июнь кунги ҳал қилув қарори, “Билолбек” хусусий корхонаси бошлиғи Ш.Байжановнинг аризасига мувофиқ ҳамда “Маҳаллий давлат хокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6- ва 25-моддаларига асосланиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Жиззах туманлараро маъмурий судининг 2021 йил 3 июнь кунги ҳал қилув қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Фориш туман хокимининг 2021 йил 17 март кунги 676-сонли қарори бекор қилинсин.

3. Давлат кадастрлари палатаси Вилоят бошқармаси (**Н.Сидиков**) туман ҳокимининг 2021 йил 17 март кунги 676-сонли қарорини бекор қилиниши муносабати билан ушбу қарор ижросига оид қабул қилинган ҳужжатларни қонун талабларига мувофиқлаштириш вазифаси юклатилсин.

4. Қарор нусхалари манфаатдор томонларга маълумот тариқасида юборилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари **О.Ашурматов** ҳамда вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи **Б.Бобоқулов** зиммаларига юклатилсин.

Вилоят ҳокими **Э.Салиев**